


## Жиззахда бор шундай хонадон



5 ▶ **Хар куни меҳмон кутамиз**



6 ▶ **Тазарру**



8 ▶ **Дуо олинг, қарғиш эмас**

## Эътироф

### ЮКСАК САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР МАМЛАКАТИ

Ўзбекистон ёшлари юксак маънавияти ва маданияти билан барчани лол қолдирмоқда. Шу йилнинг 16–17 февраль кунлари пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт эгитириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференцияда бу фикр бот-бот такрорланди. Кўплаб йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби 48 давлатдан келган таълим тизими раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар Ўзбекистон модели замонавий талабларга тўла жавоб бериши ва узоқ истиқболга мўлжалланганини таъкидлашди.

Бугунги глобаллашув даври, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет асрида инсон капиталига йўналтирилган инвестиция демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида ҳал қилувчи омил бўлиши турган гап. Бундай мураккаб вазиятда билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашга доимо устувор вазифаси деб қарайдиган давлатгина ютиши мумкин. Халқимизнинг қарийб 35 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар, 62 фоиздан зиёдини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, бу борада жуда катта имкониятларга эгаллигимиз, айти пайтда, олдимизда турган долзарб вазифалар ҳам бисёрлиги ва зиммамиздаги масъулият ҳам ниҳоятда улканлиги аён бўлади.

Мамлакатимизда таълимга йўналтирилган маблағ ялли ички маҳсулотнинг 12 фоизини ташкил этиши ушбу соҳани ривожлантиришга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралаётганидан далолатдир. Таъкидлаш жоизки, таълим соҳасини тараққиёт эгитиришга сарфланаётган бундай маблағ бутун дунёда энг юқори кўрсаткичлардан саналади.

Ун беш йил олдин Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз тараққиёт йўлимиз — “Ўзбек модели”нинг ажралмас таркибий қисми сифатида қабул қилинган эди. Ҳаётда мустақил фикрига, ўз қарашлари ва қатъий гражданилик позициясига эга, ҳар томонлама етуқ шахсни шакллантириш дастурининг асосий вазифаси этиб белгиланган.

(Давоми 2-бетда.)

## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН!



### Фарзанд — оила қувончи

Машраб НУРИНБОЕВ сурат-лавҳаси



**Екатерина ХИЛКО:**

— Ватаним Ўзбекистонда биз спортчиларга яратилиб берилаётган барча шарт-шароитлардан тўлақонли фойдаланишга ҳаракат қилаяпман. Тақдиримдан мингдан-миг розиман. Лекин инсон ҳеч қачон орзу қилишдан тўхтамайди. Шундай экан, яна бир улғу ниятим — насиб этса, шу йил ёзда Лондонда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларида муваффақиятли қатнашиб, халқимиз ишончини муносиб оқлайман!



### «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

акциядорлик компанияси — доимий ҳамкоримиз!

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бугун халқимиз 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизимининг афзалликларини чуқур англаб етмоқда. Фарзандларимиз 9 йиллик умумтаълим мактабидаги ўқишдан сўнг 3 йил давомида ихтисослаштирилган коллеж ва академик лицейларда тахсил олиб, умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-хунар ҳам эгаллаштирилди.

— Ўзбекистонда 12 йиллик таълим барча учун мажбурий экани қонунларимизда белгилаб қўйилган, — дейди Юртбошимиз халқаро анжумандаги нуктада. — Яна бир бор таъкидлайман: бу биз учун принципиал масала ҳисобланади. Айниқса, олис кишлоқ жойларда, тўғриси айтганда, ҳамма ҳам 12 йил ўқишни хохламайди. Бугунги кунда ўсиб келаётган янги авлодимиз 12 йиллик мажбурий таълим олиш билан бирга, аниқ мутахассислик ва касб-хунарга эга бўлиши керак. Бу, айниқса, қизларимиз учун муҳимдир. Чунки ёш оиланинг мустақамлиги, аввало, қизларнинг бирор бир мутахассислики эгаллаб, ҳаётда ўзининг мустақил фикри ва ўрнига эга бўлиши билан бевосита боғлиқдир.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиздаги 9,5 мингга яқин мактабнинг деярли барчаси янгитдан қурилди, капитал реконструкция қилинди ва замонавий ўкув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. 1500 дан ортиқ янги касб-хунар коллежи ва академик лицей барпо этилди. Эътиборлиси, бу ўрта-

## ЮКСАК САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР МАМЛАКАТИ

махсус билим масканлари меъморий қиёфаси ва техник таъминоти билан институт-университетлардан ортиқ бўлса, ортиқдирки, кам эмас.

Сўнги йилларда юртимиз олий ўкув юртлари сони ҳам икки баробар кўпайди. Ҳозирда 59 та университет ва институтда 230 мингдан зиёд талаба таълим олмақда. Пойтахтимизда Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети каби Европа ва Осиёнинг юксак иқтисодий ўқув юртлари филиаллари ҳам фаолият юритаётирки, ўзбек ёшлари бутун дунёда тан олинган дипломларга эга бўлишяпти.

Юксак салоҳиятли авлодни тарбиялашга қаратилган бундай эътибор иқтисодиётнинг барча жабҳалари учун юқори малакали кадрлар етиштириш имконини яратмоқда, гоёт иқтидорли ва юксак интеллектуал салоҳиятга эга ёшлар қатлами шаклланишга муҳим омили бўлаётир. Бу эса бош мақсадимиз — дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш ва халқимиз учун муносиб ҳаёт шароитини яратиш йўлида улкан қадам бўлиши табиий.

Халқаро конференция хорижлик мутахассислар учун мамлакатимизнинг

кўплаб соҳалардаги, жумладан, таълимнинг барча йўналишларидаги ютуқларини ўрганиш имконини берди. Анжуман иштирокчилари пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий ўкув юртларида бўлиб, таълим соҳасида амалга оширилган ислохотлар самаралари, юртимизда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш учун барча шарт-шароит яратилганига ишонч ҳосил қилишди.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида жорий этилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси, аввало, халқнинг маънавиятини юксалтириш, илм-фан ва таълимни ривожлантириш, энг муҳими, одамлар тафаккурини ўзгартиришга боғлиқдир. Ҳар қандай давлатнинг тараққиётини, биринчи навбатда, юқори малакали кадрлар белгилайди. Ўзбекистонда бу вазифаларнинг барчаси муваффақиятлар ҳал этилаётгани хорижлик мутахассислар томонидан юксак эътироф қилинди.

— Ишончим комилки, таълим соҳасига йўналтирилган катта ҳажмдаги инвестициялар Ўзбекистоннинг энг илғор мамлакатлар қаторидан жой олишига замин яратди, — дейди конференцияни ўтказиш ташаббускорларидан



бири, Осиё тараққиёт банки президенти Харуико Курода. — Ўзбекистоннинг таълим модели энг замонавий талабларга жавоб берадиган ўкув муассасалари барпо этиш билангина чекланмайди. Ушбу модел, авваломбор, сифатга, яъни ўқитувчилар, ўқувчилар, талабалар, ўкув дастурлари ва пировард натижада билимлар сифатини оширишга асосланган. Бундан ташқари, глобаллашув билан боғлиқ эҳтиёжлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган маъруза таълим модели Ўзбекистоннинг Осиёда, умуман, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Форум қатнашчилари хулосада яқдил бўлишди: Ўзбекистон — юксак интеллектуал салоҳиятли ёшлар мамлакат!

Фаррух ЖАББОРОВ,  
“Оила ва жамият” мухбири.

Юлдуз Мамадиёрова Шахрисабз туманидаги Авазалик қишлоғида туғилган бўлган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг француз тили факультетини тугатиб, 1989 йилдан халқ таълими соҳасида ишлаган — мактабда ўқитувчилик қилган, директор ўринбосари бўлган. Унинг самарали кечган педагогик фаолиятига назар ташласак, айтиш мумкинки, мактабда ҳам биноийде ишлаган, обрў-эътибор топган. Айниқса, 1999 йили француз тили ўқитувчилари учун ўтказилган кўргазма семинар бир умр эсидан чиқмайди.

Ўшанда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ўқитувчилари билан бирга бу тадбирда Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси Жан Клод Ришард ҳам қатнашиб, бир дунё таассуротлар олган эди. Энг кизиги, орадан кўп ўтмай француз элчисининг таклифига биноан Юлдуз бир ой Монпелье шаҳрида малака ошириб қайтди. Шундан сўнг Шахрисабзда хорижий тилларни ўрганиш маркази очиб, ногирон ва етим болаларга бепул тил ўргата бошлади. Моддий қарамликдан қутулиш учун марказ қошида ироқи каштачиликни йўлга қўйди.

2004 йили вилоятда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш юзасидан танлов эълон қилинганида Юлдуз ҳам ўз омадини синаб кўрди. Омаднинг қарангки, у голиба деб топилди, бир ой Америка Кўшма Штатларида бўлиб қайтди. Орадан кўп ўтмай, Евросиё фондидан 10 минг АҚШ долларини микродорда гранд ҳам ютиб олди.

Бундай қутилмаган қувончли ютуқлар Юлдузга руҳлантириб юборди ва у энди мустақил равишда тадбиркорлик фаолияти билан шугуллана бошлади. Бир йўла учта цех ташкил этиб, ироқи каштачиликдан ташқари попопчилик ва гиламчиликни ҳам йўлга қўйди. Тикув машиналари, компьютер сотиб олди.

Шу тариха Юлдуз Мамадиёрова Қашқадарёнинг истиқболли ишбилармон, тадбиркор

аёлларидан бирига айланди. 2006 йили “Ташаббус” таълимининг вилоят босқичида иккинчи ўрин соҳибаси бўлди. Кейинчалик эса Шахрисабз каштачилик мактаби ҳақида илмий иш ёзишни бошлади. 2008 йили ЮНЕСКО томонидан Марғилонда ташкил этилган семинар-тренингда қатнашиб, ўн беш кун мобайнида кўҳна Кеш миллий хунаридан қишлоғи ҳақида маърузалар ўқиди.

Юлдуз халқ амалий санъатини янада юксалтириш билан бирга, янги иш ўринлари яра-

варлар тиккан маҳсулотлар Франция, Германия, Америка каби давлатларга юборилмоқда. Айниқса, французлар билан ҳамкорлик намунаси йўлга қўйилган, уларнинг ўзлари келиб, дидларига монанд ёқилган костюмларга ироқи ёки попоп усулида кашта тиктиришмоқда.

Юлдуз ҳақида гап очилса, ўз келажагини олдиндан кўра олган аёл деган таъриф, албатта, айтилади. Шу боис ҳам у бежиз тил ўрганмаган экан деб ўйлаш миз ва турли миллил вакилла-

## ЮЛДУЗ ТИККАН КАШТАЛАР

хорижликларни ҳам хайратга  
солмоқда



тиш, касаначиликни ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Айни пайтда 200 нафар хотин-қиз унинг ҳақида ва ўз уйларида меҳнат қилиб, ироқи каштачилик ва попопчилик усулида 35 турдаги совгабоп буюмлар тайёрлашмоқда. Ниҳоятда нафис ва чиройли услубларда тикилган буюмларнинг харидорлари асосан чет элликлардир. Шу боис ҳам шахрисабзлик кўлигул че-

ри билан гоҳ французча, гоҳ инглизчада бийронгина сўзлашаётганини кўриб, тил билиш ҳам инсон учун зийнат, маданият белгиси эканига тан берасан киши. Табиийки, хорижликлар Юлдузнинг фақат ироқи каштачилик усулида тайёрлаётган бетакор буюмларининга эмас, балки унинг ҳамма билан самийий тил топиша олишини ҳам хайратланиб эътироф этадилар.

## Замондошларимиз

Бир гал Юлдуз билан Китоб туманидаги тоғли Паландар қишлоғига бордик. У кимдандир бу ҳудуд ахлининг тикув машинасида чиройли кашталар яратаятганини эшитибди. Шу кунги, ҳақиқатан ҳам, кўлигул чевар қизларнинг чиройли, жимжамдор безаклар бериб тайёрлаган кашталар, дастурхон чойшабларини кўриб, Юлдуз бирам суюндик, унинг ҳолатини сўз билан таърифлай олайман. Ишбилармонлиқни қарангки, у эртаси кунёқ паландарлик каштадўзалар билан ҳамкорликни бошлаб юборди. Муҳими бу эмас. Мен Юлдузнинг ижодкорлигига қойил қолдим. У жимжамдор безакларни сумкачалар ва бошқа совгабоп буюмларга ҳам кўчиришга эришди.

Айримлар Юлдуз бекор ўқитувчиликни ташлаб, бошқа соҳага ўтиб кетди-да, деб афсусланиб гапирди. Лекин бу тиниб-тинчимас аёл ҳамон ўқитувчи, ҳамон устоз, мурабий. Ҳозирга қадар сал кам мингдан ортиқ хотин-қизлар унинг ташаббуси билан очилган ва кенг фаолият юритаётган марказда ироқи каштачилик, попопчилик сирларини ўрганишди. Совгабоп гиламлар тўқий бошлашди. Тил ўргатиш марказини эса умидли шогирдлари Музаффар ва Насимжон давом эттирмоқда.

Яқинда Юлдуз Мамадиёрова Германиянинг ГТЗ ташкилотидан 45 миллион сўмлик грант ютиб олиб, спорт буюмлари ва трикотаж кийимлар тикадиган 30 та тикув машинаси эгаси бўлди. У энди марказ қошида тикувчиликни янада кенгайтиришни режалаштириш билан бирга, юзлаб иш ўринлари ташкил этишни ҳам кўзламоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ россиялик ҳамкорларидан буюртма қабул қилиб, яқин кунларда иш бошлаш арафасида турибди.

Лола ҲОҚОВА,  
Қашқадарё вилояти.

## Мурувват

### ХАЙРИЯ ЁРДАМИ КЕНГАЙДИ

Мамлакатимизда “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Германиянинг “Фриденсдорф Интернейшнл” халқаро ташкилот имзолаган уч томонлама ҳамкорлик дастурига биноан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ қатор савобли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили ажратилган грант маблағлари ҳисобидан 250 нафар туғма лаб танглай нуқсонли бўлган болада 27 262,8 минг сўм маблағ доирасида жарроҳлик операциялари ўтказилди. Шу билан бирга, махсус лойиҳа доирасида туғма оёқ нуқсонли (май-моқлик) ва «кийшик бўйин» ташхиси билан 15 ёшгача бўлган болалардан 250 нафарини операция қилиш учун ҳам 20 770,0 минг сўм маблағ сарфланди.

Ҳозирги кунда эса Германияда ихтисослашган клиникаларда даволаниш муолажаларини давом эттираётган 12 нафар бола 6 ойдан 3 йилгача бўлган муддат давомида соғломлаштирилиб, юртимизга қайтиб келишди.

Кунги кеча “Соғлом авлод учун” хайрия жамғармасининг Фарғона вилояти минтақавий филиалига Туркиянинг ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги томонидан 87 875 АҚШ долларини қийматидаги “Peugeot” русумидаги автоамбуланс топширилди. Барча қулайликларга эга ушбу автоамбуланс вилоят аҳолисини тиббий-ижтимоий патронаж хизматида бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,  
“Оила ва жамият” мухбири.

**Мустаҳқам, намунали, соғлом...**  
Саксон ёши қоралаётган Ёқуб ота Ибрагимовлар оиласига нисбатан ҳеч иккиланмасдан ана шундай таърифларни кўлласса бўлади.

Биз борган куни қишнинг совуғи этни жунжиктирса-да, отахон ҳовлида дов-дарахтларга шакл бераётган экан. — Нима қилай, бекор ўтиролмайман, — дейди ота жилмайиб. — Менга қолса, зое кетган ҳар дақиқани бой берилган умр дегим келади. Меҳнат қилишдан тўхтасам, яшайдан тўхтагандай бўлавераман. Мана, остонамизда кўклам ҳам эшик қоқаяпти.

Ҳовлига разм соламиз. Бежиримгина. Айлантириб дов-дарахтлар экилган. Ўртада гулзор. Қатор қилиб уйлар қурилган. Меҳмонхона алоҳида, бир четда ошхона. Этақда ҳаммом. Атроф супириб-сидирилган, ораста. Чоғроққина жойдаги плёнка остида кўкатлар ямийил рангда товланиб ётибди...

— Отахон, ҳовлингизга жуда ҳавасим келди, ўзингиз бош-қош бўлгансиз, шекилли-я?!

— Ҳа, энди, қўлдан келгунича, қизим, — кулиб қўйди отахон.

Ичкарида бизни Ёқуб отанинг кампири Қўйсин ая қарши олди.

— Шу ҳовли-жойни чолим иккаламиз қурганмиз, болам, — дея сўхбатни қолган жойидан улаб кетди ая. — У пайтда фарзандларим ёш эди. Мен далада ишлардим, бу кишим заводда цемент ортиб-туширарди. Нимасини атайай, уззукун тиним билмай ишласам ҳам сира биримиз икки бўлай демасди. Қора қозонни амаллаб қайнатардик, холос. Жой олиб, уй қурдик. Мен лой олиб берсам, бобонгиз сувоқ қиларди. Кўп қийин даврларни кўрдик. Ҳозир айтсам, болаларим ишонмайди. Деҳқончилик қилардим. Сабзи-пиёз экардим. Қолса солиб, елкамда бозорга олиб чиқардим. Сотиб, рўзгорга ул-бул олардим. Қишнинг совуқ кунларида ҳаммамиз каталакдай хонага тикилиб, ўтин ёқиб исинардим.

Амаллаб кун кўрардик. Эҳ-хе, айтаверсам дардим дoston бўлгудай.

Чиндан ҳам, оила узоқ йиллар рўшнолик кўрмади. Фақат мустақиллик шарофати билангина юртимиздаги минглаб оилалар қатори бу хонадонга ҳам файзу барака, бахт-саодат кириб келди. Тотув оила бағрида яхши тарбия кўрган фарзандлар улғайди, ота-она

та имкониятлар эшигини очди, — дейди отанинг иккинчи фарзанди Зафаржон. — Ака-укалар бирлашиб "Асл авто" кўп тармоқли хусусий фирмасини ташкил қилдик. Бугун хориз давлатлари, хусусан корейлик ишбилармонлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Укам Дирнинг хизмат юзасидан Сеулга учиб кетганига икки кун бўлди. Хабарлашиб

лин Висола чой узатиб турибди. Суюкли чеваралари Севара эса гоҳ буваеси, гоҳ бувиси атрофида гирдиқалалак.

— Шундай дориломон кунларга етказганига шукр, — дейди отахон. — Мендай оддий бир ишчининг боласи бугун мулкдор. Чет элликлар билан бордикелди, олди-сотди қилаяпти. Ҳеч армоним йўқ. Қўлимизни қаёққа узатсак етади. Неवारаларим, чевараларим ўқиётган коллежлар, мактабларни қаранг. Қошона дейсиз, қошона. Бизнинг давримизда булар етиб бўлмас хаёл эди.

Ўнлаб невараяо чевараларнинг суюкли бобоси Ёқуб ота хали ҳам тетик ва бардам. Тиним нималигини билмайди. Маҳаллада тўй-тантана, маърака-мавлуд борми, ободончилик тадбирлари дейсизми — барига ўзи бош-қош. Саховатпешаликда ҳам у кишига ҳавас қилгулик. Боқувчисини йўқотганлар, етим-есирлар, ногиронлар отахоннинг кўмагини, беминнат ёрдамини ҳар кун, ҳар дақиқа кўриб, сезиб туришибди.

Файзли хонадон ҳар йили тўрт марта фарзандлар, невара, чевара, эваралар билан гавжум бўлади. Мустақиллик байрами, Наврўз айёми, отахон ва онахоннинг таваллуд саналарида тўкин дастурхон атрофида тўпланиш, қарияларнинг дуосини олиш одатга айланган. Бундай пайтларда Ёқуб ота ҳам, Қўйсин ая ҳам яйраб-яшнаб кетади. Уч ўглию бир қизи туфайли шундай катта, ҳам-жиҳат, мустаҳқам оила пайдо бўлганидан, унинг бошида эса ўзлари тургандан қувонди. Фарзандлари, дилбандларига қарата "Яхши, ҳалол яшайман десангиз, меҳнатни севинглар. Миллатимизга рўшнолик, юртимизга ободлик, хонадонларимизга файзу барака олиб келган буюк истиқлолнинг қадрига етинглар", дея бот-бот такрорлашдан эринмайдилар.

**Донoгул ЖўРАЕВА,**  
**"Оила ва жамият" мухбири.**  
**Жиззах вилояти.**

## ЖИЗЗАҲДА БОР ШУНДАЙ ХОНАДОН



қўлидан юмушини олди. Бири тадбиркор, бири шифокор, бошқаси тижоратчи бўлди. Ишбилармон, ўтли-шудли, одоб-ахлоқли ўғил-қизлар эмасми, тез орада бу оилага ҳаммамизнинг ҳаваси кела бошлади.

— Истиқлол оиламиз учун жуда кат-

турибмиз. Фирмамизга қарашли автосервис шохобчалари, дўконлар, ошхоналарда жами 50 га яқин киши ишляпти.

Ёқуб отага қарайман. Нуроний чеҳрасида ним табассум. Онахон эса бир гапириб, ўн кулади. Ёнида невараяо

### Баркамол авлод — мамлакат келажаги

## ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИГА ЭЪТИБОР

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоялаш масаласи муҳим стратегик ва зифалардан бири сифатида қўйилган эди. Бу масаланинг давлат аҳамиятига моликлиги шундаки, республикамиз аҳолисининг эллик фоиздан ортигини айнан баркамоллик босқичида турган йигит-қизлар ташкил қилади. Шу боис ҳам истиқлолнинг илк кунларида, яъни 1991 йил 20 ноябрда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Вақтнинг югуриклгини қарангки, ордан ўтган йигирма йил мобайнида ҳар томонлама етуқ ва маърифатли, баркамол ўзбекистонлик ёшлар ўз интеллектуал салоҳияти билан ривожланган давлатлардаги тенгқуларидан сира кам эмаслигини исботлашди. Бундай мисолларни спортнинг ўнлаб турлари, фан олимпиадалари, илмий изланишлар, жумладан, сиёсий ва иқтисодий жараёнлардаги фаолликда ҳам яққол кўриш мумкин.

Албатта, ютуқларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Қонунчиликда, хусусан, Меҳнат кодексига ёшларимиз учун яратиб берилган имконият ва имтиёзлар хусусида алоҳида тўхталиш мумкин. Масалан, 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг

меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўлиши, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллари — хуллас, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва турли норматив ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёзлардан кенг фойдаланиши қатъий белгилаб қўйилган. Уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгалла-



ши, фойдали меҳнатга жалб этилиши сингари жараёнларда давлатимиз томонидан қатор энгилликлар берилган. Энг муҳими, илм-маърифатли йигит-қизларимиз бугунги изчил ислохотлар даврида Президентимиз томонидан қўрсатилаётган ғамхўрликка жавобан барча соҳаларда ўз иқтидор ва салоҳиятларидан тўла фойдаланишга ҳаракат қилишлари лозим.

Юртбошимиз томонидан 2007 йил 18 майда қабул қилинган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш-

га доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон ҳам фарзандларимиз ҳаётида катта аҳамиятга эга. Республикаимизнинг барча ҳудудларида ёшлар учун янги иш ўринлари очиш, кичик бизнес ва тадбиркорликка жалб қилиш, мустақил ҳаётга кириб келишида зарур ёрдам кўрсатиш, мустақил фаолиятини бошлаши учун микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш, фойдали меҳнат билан бандлигини таъминлаш орқали барқарор даромад манбаларини ҳам шакллантириш механизлари ва амалий раёбатлаштириш чора-тадбирлари кўриломқда. Бу эса келажакимиз эгалари бўлган ёшларимиз учун ўзига хос синнов ва маҳорат майдонидир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, ёшлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш мамлакатимизда жаҳон андозаларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган қонун ҳужжатлари билан қаролатилган. Бу эса давлатимиз келажаги пойдеворини янада мустаҳкамлашда муҳим омил вазифасини ўтайди.

**Гулсум ШУКУРОВА,**  
**Фуқаролик ишлари бўйича**  
**Тошкент вилоят Ўрта Чирчик**  
**туманлараро суди раиси.**

### ТИББИЙ КЎРИК: АҲАМИЯТИ АНГЛАНМОҚДА


Баъзан эшитиб қоламиз: қайсидир маҳаллада эрта-индин тўйи бўлиши кутилаётган келин-куёвларнинг никоҳи кечиктирилибди. Сабоби, бўлғуси куёв яқиндагина хориздан келган экан-у, қандайдир хасталик орттиргани аниқланибди, даволанганидан сўнг ФХДЁга боришармиш, деган гап-сўз бир зумда тарқалади. Аслида, улар тўғри йўл тутишган. Аксинча, айрим шашқалоқ ота-оналарнинг гапига кириб, шаръий никоҳни ўқитиб, яшаб кетаверганида эртага не бўларди? Туппа-тузук оила парокандаликка учраб, икки ўртада низо чикар, яна тирик етимлар кўпаярди, холос.

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, юқоридаги каби воқеалар ҳаётда учраб турибди. Лекин кейинги пайтларда, масалан, ўз туманимиз мисолида айтадиган бўлсак, кенг жамоатчилик орасида, айниқса, маҳаллалар, таълим муассасалари, хотин-қизлар ўртасида туман ФХДЁ бўлими билан ҳамкорликда ўтказилаётган жонли мулоқотлар, давра суҳбатлари қизгин, баҳс-мунозарарга бой кечаётгани кузатилмоқда. Боиси, оилада ота-оналар, маҳаллада ибратли хонадонларнинг намунали тажрибалари бўлғуси келин-куёвларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Асосийси, катталарнинг тиббий кўриқка муносабати кескин ўзгараётир. Негаки, аксарият ҳолларда айримлар кўра-била туриб, қон-қариндошлар ўртасида ёки норасмий никоҳга ҳам йўл қўйишади. Оқибатда, кудалар юзқўрмас, фарзандлар эса ота-она меҳрига зор бўлиб юришади.

«Мустаҳқам оила йили»да бундай нохуш ҳолатларга йўл қўймаслик учун барча имкониятларни ишга солиш барчамизнинг шарафли вазифамиздир.

**Зулфия ОСМОНОВА,**  
**Гўзал ХЎЖАЕВА,**  
**Зангиота тумани**  
**ДНИ нотариуслари.**

Батутда сакраш бўйича кўплаб халқаро мусобақалар гоялиби. Олимпиада совриндор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, «Ўзбекистон ифтхор» фахрий унвони соҳибаси, халқаро спорт устаси Екатерина Хилько билан суҳбатлашгани пойтахтимиздаги «Универсал» спорт саройига бориб, қизин машгулотлар устидан чиқдик. Унинг батутдаги ҳар бир ҳаракати, чаққонлик билан баландликка сакраши, мувозанатни тўғри ушлай биллишидан ҳайратланиб турганимизда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, батут бўйича терма жамоамиз бош мураббийи Роза Якубова шогирди ҳақида тўққинлигиб сўзлай кетдик:



Екатерина ХИЛЬКО:

## ЛОНДОНДА ҲАМ ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМАН!

— Екатеринбургнинг жажжигина қизалоқлик пайтида-ноқ яхши танийман, у билан 1990 йилдан буён бирга ишлаймиз. Катя жуда эрта галабага эриша бошлаган. 13 ёшида халқаро тоифадаги спорт устаси деган шарафга муносиб топилган эди. У иқтидорли бўлиши билан бирга, ўз устида тинимсиз ишлайдиган иродали қиз. Асосийси, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашади. Спортчи учун эса бундай хусусиятлар жуда муҳим. Катяни инсон сифатида ҳам яқиндан билман: очиккўнгил, ҳушчақчақ, атрофдагиларга, яқинларига меҳрибон. Галаба

### Ўзбекистон ифтхорлари

билан бирга мағлубиятни ҳам тўғри қабул қила олади. Ҳеч қачон тушкунликка тушганини билмайман. Терма жамоа билан хоризжда машгулотлар ўтказганимизда кўрганман: Катя бека сифатида ҳам барча фазилатларга эга. Пазандалик, саранжом-сарихталиқни жойига қўяди. Ҳаммамиз у пиширган таомларни мактаб-мактаб тановул қиламиз.

Машқлардан толиб, бироз танлафус қилиш учун ўриндиққа чўкканидан фойдаланиб, Екатерина Хилькони суҳбатга тортидик.

— Екатерина, эшитганимизча, сизнинг ота-онангиз ҳам бир пайтлар спортда катта муваффақиятларга эришишган экан-а?

— Тўғри, иккаласи ҳам гимнастика бўйича спорт устаси бўлган. Ҳозирги кунда онам Ольга Нилова мураббийлик қилади. Афсуски, отам Виктор Хилько бундан тўрт йил муқаддам оламдан ўтган. Оиламиздаги муҳит, табиийки, менинг ҳам кўнглимда шу соҳага муҳаббат уйғотган. Уч-тўрт ёшимдан бошлаб онам билан машгулотларга борардим. У киши менинг ҳам гимнастикани бўлишимни истаган эди. Аммо залга киришим билан батут томон гуриб кетардим ва онамнинг иши тугагунча, ундан тушмасдим. Болалигимда бироз шаддод қиз бўлганман. Дўстларим орасида ҳам қизлардан кўра ўғил болалар кўп эди. Доим у ёқдан-бу ёққа сакраб чарчамасдим. Мени ўзига бўйсундирилмаган онам охири 1990 йили саккиз ёшимда Олимпия захиралари спорт мактабидagi янги очилган батут бўлимига берди. Илк уринишларданноқ тенгдошларим орасида ўтказилган мусобақаларда яхши натижаларга эриша бошладим. Дастлабки галабам ҳеч эсимдан чиқмайди. Тўққиз ёшимда республика кубогида биринчи ўринни эгаллаганимда менга сакрайдиган ажойиб арқон беришган. Роса хурсанд бўлганман. Уша совгани ҳалиям сараб қўйганман. Ўн ёшимда биринчи марта халқаро мусобақада — Санкт-Петербургда ҳар йили ўтказиладиган анъанавий турнирда қатнашиб, кетма-кет уч йил олий ўрин билан қайтдим.

— Спорт гимнастикасидан фарқли ўларок, батутда сакраш сизни нимаси билан ўзига ром этди?

— Биласизми, аслида, спортнинг яхши-ёмони бўлмайди. Ҳаммасининг ҳам ўзига яраша жозибаси, оҳанрабои бор. Лекин батут умуман бошқа олам. Бунда сиз парвоз ҳиссини туясиз. Энг муҳими — гўзаллик, нафосат, эпчиллик билан бирга завқни ҳис қилиш ва бошқаларга етказа биласиз. Барча спорт тури ҳам одамни ҳар томонлама тоблайтиди. Иродани шакллантиради. Характерсиз одамдан яхши спортчи қилини. У бирор машқни токи меъёрига етказа олмагунча қайта-қайта такрорлайди. Мускулларни чиникитириш, чўзилувчанлик, эластиклиқни ошириш — ҳаммаси тинимсиз меҳнат, машаққатни талаб этади. Онасининг иссиққина бағридан эндигина чиқиб келаётган жажжигина вужуд аввал-бошда роса қийналади: овқатлангиси, ухлагиси келади, зерикади. Аммо атрофдагиларнинг муваффақиятлари, мураббийларнинг жонкуярлиги уни руҳлантиради. Бир марта галаба нашидасини татиб кўргач эса, зафарга интила бошлайди. У шу йўсунда спортнинг машаққатли, аммо

ш а р а ф л и йўлига тушиб олади. Батутда сакрашни бироз ўзини тутиб олган, жисмонан кучга тўлиб, етти-саккиз ёшга етганда бош-лаш зарур. Чунки бу спорт турида асосан умуртқа поғонага оғирлик тушади. Агар жисмонан заифроқ бола бўлса, эплаб кетиши қийин, соғлиғига ҳам шикаст етиши мумкин. Ўзимга келсак, спортчилар оиласида дунёга келганим учун мослашишим осон кечган. Бунда менга мураббийларим — Роза Якубова, Николай Журавлёв, Наталья Жихарева яқиндан ёрдам бериб, қўллаб-қувватлаган.

— Фаолиятингизда қайси нуфузли мусобақани фахр билан эслайсиз?

— Пекин Олимпиадасинида, албатта! Спортчи учун турли босқичлардан ўтиб, бундай катта беллашувда қатнашишнинг ўзи катта бахт. Агар ютук билан қайтиш насиб этса, бу икки қарра галаба деганидир. Масалан, Олимпиадага бораётганимда медалдан умид ҳам қилмагандим. Фақатгина финалгача етиб бориб, кучли саккизликка кирсам бас, деб ўйлаганман. Бронза медалига сазовор бўлганимни ашитгач эса, бироз гангил қолдим, ишонмадим. Йўқ, кейин бутун жамоа хурсандчилигимга шерик бўлишди.

— Сизнинг ҳаётингиз принципларингиз қандай? Нимани қила оласиз-у...

— Бироз мураккаброқ савол, билмадим... Нимани хоҳласам, қила олишим мумкин. Фақат ақлим, имконим доирасида иш қўраман. Ҳеч қачон ҳеч кимга ёмонлик соғинмайман. Яхшиликнинг жавоби ҳам яхшилик, деган ақидага амал қиламан.

— Севгига муносабатингиз? Екатерина Хильконинг танлагани қандай инсон бўлиши керак? Идеалингиз?

— Ҳаётда бир-бирини тушуниш, қадрлаш, авайлаб-асраш муҳим. Аслида, мана шунинг ўзи — севги! Эркак доим ёнидаги аёлининг кўнглини оғритиб қўйишдан, озор беришдан чўчиса, аёли ҳам унга жавобан кулиб қараса, ҳақиқий муҳаббат туғилади ва бардавом бўлади. Танлаган инсонимга келсак, у очиккўнгил, ақлли, фаросатли ва хушсурад йигит. Ҳар қандай вазиятда мени тушунишга, қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади. Спортчи аёл учун энг кераги ҳам шу! Лекин у спортчи эмас. Нега десангиз, менинг узоқлардан юришим, доим бандлигим, яна бошқа муаммолар... иккаламизга ҳам етди (кулади).

— Машгулотлардан чарчаган, дам олгангиз келган пайтда нималар билан машгул бўласиз?

— Ошхонада куймаланишни ёқтираман. Турли халқ таомларини тайёрлаш сеvimли машгулотларимдан бири. Бўш вақтимда китоб ўқийман. Детектив романларни хуш қўраман. Охириги кунларда психологияга оид китобларни мутолаа қилаяпман.

— Ҳаётдан нималар кутганингиз-у, нималарга эришингиз? Ҳозирги кунда ўз олдингизга қандай мақсадлар қўйгансиз?

— Шукрки, спортда ўз ўрнимга эга бўлдим. Кўп бора галаба онларини туйиш насиб этди. Бир-биридан меҳрибон ота-онанинг меҳру муҳаббатидан бахраманд бўлиб ўсдим. Ватаним Ўзбекистонда биз спортчиларга яратилиб берилган шарт-шароитлардан тўлақонли фойдаланишга ҳаракат қилаяпман. Спорт тўғрисида бир қатор давлатларга бордим, кўплаб дўстлар орттирдим. Менимча, бир инсон етишиши мумкин бўлган барча эзгу ниятларим амалга ошди. Тақдиримдан мингдан-минг розиман. Лекин инсон ҳеч қачон орзу қилишдан тўхтамайди. Шундай экан, яна бир улғу ниятим — насиб этса, шу йил ёзда Лондонда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларида муваффақиятли қатнашиб, халқимиз ишончини муносиб оқлайман!

“Оила ва жамият” муҳбири Шахноза РОФИЕВА суҳбатлашди.



**ҚОМУС** — адабиётларда, илмий манбаларда “қомус” сўзини тез-тез учратамиз. Бу сўз тилимизда “маълум бир соҳа бўйича барча билимларни қамраб олган асар” ёхуд “энциклопедия” маъносини англатган. Ҳўш, “қомус” сўзининг дастлабки мазмунини қандай бўлган? “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, “қомус” сўзи дастлаб “океан” маъносини билдирган, кейинроқ “луғат” мазмунини англатган.

**ДАНАК** — бу сўз тилимизда фаол қўлланилади. Шунинг учун ўз маъносидан ташқари рамзий маъналарга ҳам эга. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, “данак” сўзининг туб илдизи бошқоқли ўсимлик ҳосили мазмунини билдирадиган “дон” сўзига бориб тақалади. Бир қарашда “данак” сўзи “дона” сўзига яқиндай туюлади. Бу бежизмас чунки “дона” сўзи ҳам “данак” сўзи билан битта илдизга эга бўлиб, “дон” сўзидан келиб чиққан.

**Данагидан мағзи ширин.**

Мақол

**ЖАВДАР ВА ЖАЙДАРИ** — манбаларда «жавдар» сўзи ёввойи қора буғдой деб изоҳланган. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, бу сўз “жайдари” сўзи билан бир хил бўлиб, асли “маҳаллий” деган маънони англатади.

**Жайдари олма.**

**ЎСИМЛИК ВА ЎСМИР** — бир қарашда бу икки сўзнинг бир-бирига алоқаси йўқдай туюлади. Ҳолбуки, “ўсимлик” ва “ўсмир” сўзларининг илдизи битта бўлиб, умумий ўзақ “ўс” феълидир.

**Ўсмирлигимда у билан чираниб баҳслашиб эдим.**

Асқад Мухтор

**Эшқобил ШУКУР тайёрлади.**

Фарзанд — уйнинг чирогини, деб беҳиз айтишмаган. Ҳақимжон ва Шоира олти йил аввал яхши ниятлар билан турмуш қурганди. Такдирни қарангки, уларга фарзандни бўлиш бахти насиб этмади. Эрининг сабри, қайнона-қайнотанинг елиб-югуриши оилани сақлаб қолди. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, қолган ярми ёруғ экан, чиндан ҳам. Ахийри Шоира ҳомиладор бўлди.

Барча чеккан азоблари, ғам-ташвишлари ортида қолгандек эди. Бироқ хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Сўнги тўққизинчи ойда қон босими тез-тез ошиб, юрагининг қувватсизлиги бемажол қила бошлади. Яхшиям шифохонада ётгани, ҳар куни қилинган муолажа она-боланинг аҳволини яхшилади... Ярим тундаги тўлғоқ азоби бутун шифохонани оёққа тургазди. Жарроҳлик чораси қўлланилгач, Шоира ва чақалоқнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Энг қизиғи, скрининг кўриги қиз туғилишини билдирган ва уйдагилар ҳам шунга мослаб кийимчалар тайёрлаб қўйишганди. Аммо Оллоҳнинг қароматини қарангки, кўчордай ўғил дунёга келса бўладими! Наркоз таъсирида ётган Шоиранинг лабларидан "Худобой шукр!" деган калом зўрга сирғалиб чиқди.

— Бу дунёнинг ҳикмати кўп. Айниқса, ота-она учун фарзанд кўриш энг олий бахт десам янглишмайман, — дейди Оққўр-

гон туман тиббиёт бирлашмасининг туғруқхона бўлими мудири Гулнора ЮНУСОВА. — Ҳар куни янги меҳмон кутиб оламиз. Гоҳида кўча-кўйда ҳомиладор аёлларни кўрсам, секин ёнига бораман-да, сихат-саломатлиги ҳақида эринмасдан обдон сўрайман. Токи қабуллимизга келгунча, ўша онанинг такдири ҳақида ўйлаб юраман...

### Гулнора ЮНУСОВА:

## ҲАР КУНИ МЕҲМОН КУТАМИЗ!



Туғруқхонамиз 55 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳукуратимиз томонидан замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган. Тасаввур қилинг, биргина ўтган йилнинг ўзига 2628 нафар ўғил-қиз дунёга келибди. Бу дегани, шунча хонадонда умид чирок-

лари ёнди. Бугунги кунгача юздан ортиқ оилада чақалоқ ингаси янгради. Сиз ҳозиргина суҳбатлашган Шоира Шералиева туманимизнинг чекка худудида истикомат қилади. Аёллар саломатлигини янада мустаҳкамлаш учун оила ва шифохона ҳамкорлигини йўлга қўйганмиз. Фақат саломатлигини йўқотганларни эмас, барча ҳомиладорларни эътибордан

ҳаси асосида барча туман шифохоналари замонавий тиббий жиҳозлар билан bosқичма-bosқич таъминлаб борилмоқда. Бу эса шифокорларнинг янада самарали ишлашига замин ҳозирлаётди. Масалан, бир пайтлар Оққўрғон туғруқхонасида УЗИ аппарати йўқ эди. Ҳозирги кунда эса лойиҳа асосида келтирилган ускуна аёлларнинг

### Тиббиёт фидойилари

урф-одатларига қандай кўникиб кетар эканман, деб ўйлаганман. Лекин шукрки, яхши оилага такдирим қўшилган экан. Қайнонам янги келинлигимдаёқ мени туғруқхонага ишга жойлаштирганлар. Атрофимдаги нотаниш муҳит, бегона одамлар аста-секин ўзимникилардек бўлиб кетди. Шундан бери минглаб чақалоқларнинг эсон-омон дунёга келишига қўлимдан келгунича ёрдам бердим. Ҳатто ўша муրғак гўдакларнинг кўпчилиги воёга етиб, бугун ота-оналик бахтига эришди. Энди уларнинг фарзандлари ҳам қўлимизда туғилаяпти. Кўпчилиги кўча-кўйда, таниб қолса, дуо қилади, раҳмат айтади. Биз шифокорлар учун ана шунинг ўзи бахт.

Гулнора Юнусова таъкидлаб ўтганидек, айна пайтда мазкур туманда тегишли идоралар билан ҳамкорликда эрта никоҳ ва эрта ҳомиладорликнинг олдини олиш бўйича кўрилайётган амалий чора-тадбирлар ўз самарасини бераётди. Фарзанд ҳар бир хонадоннинг мустаҳкам белбоғидир. Яна, муболагасиз айтиш мумкинки, оилада аҳиллик ва тинч-тотувликни таъминлаш мезони ҳам фарзанд!

**Нигора УРОЛОВА,**  
"Оила ва жамият" муҳбири,  
Тошкент вилояти.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Эрталаб ишга кетаётган эдим. Олдинда қўшимчимиз 10-11 ёшлардаги қизалоғини етаклаб олиб, "Ҳозир мактабингга бораёчи, қани сенга нега "2" кўярган?! Кўрсатиб қўяман мен уларга!" дея уятли сўзлар билан сўкиниб борарди. Мен ўзи тарбияга муҳтож бу отанинг озгидан чиқаётган алмойи-жалмойи гапларни келтиришга, тўғриси, уялдим. Ҳали норасида қизчанинг олдида унинг устозини шу даражада ҳақорат қилаётган эркак ўз оиласидагиларга қандай муомалада бўлар экан, деган оғрикли савол жиддий ўйлантириб қўйди.



### ОТА СЎКИНСА, ОНА ЭСА...

Бундай тилига эрк берган, маънавий-этиқадий кишиларни кўча-кўйда, бозорларда ҳам баъзан учратиб қоламиз. Ана

шундай пайтда бирдангина кўз олдимизга уларнинг оиласи, бола-чақаси келади. Ўғил ёки қизи ўз уйида яхшироқ гап-сўз, самимий муомалага қурилган тарбияни олмай ўсса, улардан эртага нима кутиш мумкин?

Бундайларнинг болалари ҳам жамоатчилик орасида ота ёки онасига тақдир қилиши аниқ.

Тасаввур этинг, ҳалиги мен кўрган ота шундай ваҳоҳат билан синфхонага кириб, бутун умрини болалар тарбиясига бағишлаган фидойи устозни ҳақорат қилса, у шогирдлари, ҳамкасблари олдида ким деган одам бўлади? Минг аф-

суски, шундайларга ҳам гувоҳ бўлаёلمиз. Наҳот, бор айбни устозга ағдариб, ўз фарзандини оппоқ деб ҳисоблайдиган калтабин шахслар фарзандининг эртасини ўйламайдилар? Ахир, бу каби ноинсоний қилиқ ва муомаланинг охири яхшилик билан тугамайди-ку!

Яна бир кўнгилсиз ҳолатга деярли барчамиз кунда бўлмасан-да, кўнора гувоҳ бўлаёلمиз. Мактаб, лицей, коллежда ўқийдиган ўғил болаларнинг жамоат жойларида, автобус ёки метрода юрганида бир-бирига қилаётган қўпол ва беўхшов муомала-муносабатини кузатиб, на кулишни биласиз, на куйишни. Уларнинг озгидан чиқаётган ҳақорат ва сўкинишлар шу даражада бақнаки, эшитганимиз заҳоти беихтиёр кўнглингиздан "Бу болалар ўз уйларида ота-онаси билан қандай гапларда экан-а?" деган савол кечади. Эндигина улғайиб келаётган сўқонич болалардан эртага нима кутамиз?

Шу ўринда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган қуйидаги сўров на-

тижаларига эътиборингизни қаратмоқчиман. Унда қатнашганларнинг 80,9 фоизи оилани, 56,5 фоизи маҳаллани, 49,6 фоизи таълим муассасаларини, 45,8 фоизи эса ижтимоий муҳитни инсон маънавиятини шакллантиришда муҳим омил деб эътироф этган. Кўрап-сизми, ҳар қандай шароитда ҳам оила муҳити бирламчи экан. Демак, Юртбошимиз 2012 йилни "Мустаҳкам оила йили" деб номлаганида ҳам раэмий маъно бор. Бунинг замирида оод ва обод юртимизнинг тинч-осойишталиги, барқарорлик ва фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсадлар ётганини аниқлаш мумкин.

Ҳар не бўлганда ҳам, инсон юксак одоби, ширин суҳани билан гўзалдир. Рух тозаллиги, ақл етуқлиги, одоб-ахлоқ эса оилада шаклланишини унутмайлик.

**Улбўсон ТУРСУНОВА,**  
Қамолдидин Бехўд номидаги миллий расмоллик ва дизайн институти катта ўқитувчиси.

### Тарбия

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

**«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази**  
қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шилси, плаш-пальто — 1-2 ой.
- Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиб, 2 ойи амалиёт.
- Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан).
- Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой.
- Торт ва пиширилма — 2 ой.
- Пиширилма олий курси — 1 ой.
- Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
- Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
- Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиши — 1 ой, Элита парда ва чойшаблар тикиши олий курси — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).

Қаштачилик — 3 ой (машинада вышивка).

Тўқувчилик — 2-3 ой.

Инглиз тили — 3 ой.

Рус тили — 3 ой.

Бисер, яғни мунчоқ тикиши — 2 ой.

Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой.

Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёт билан

Ётоқхона мажҳуд.

**Ўқини тугатганларга ДИПЛОМ борилади.**

Манзил: Юнусобод тумани, 3-мавзео 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусобод дехқон бозори орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).

Филиал манзили: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси, 4-уй 40-хона. Мўлжал: Кўйлик киним бозори рўпарасида.

Тел: (8371) 295-97-82, +99897 785-90-30 (қундузи)

**«ZENH-SHANS»**  
нодавлат таълим муассасаси

Абитурентларни олий ўқув юрталарига ўқинишга кириш учун қуйидаги фанлар бўйича тайёрлайди: *кўчма, биология, она тили ва адабиети, математика, физика, тарих, инглиз, рус ва немис тили. Машғулотларни фан докторлари, фан номзодлари ва дарсликлар муаллифлари олиб борадилар.*

Марказ дарсларнинг юқори даражаси сифатига қанолат беради.

Назарий ва амалий машғулотлар махсус чуқурлаштирилган дастурлар асосида «Ахборотномалар, имтиҳон вариантлари бўйича ўтказилади. Ҳар бир фан ҳафтага 3 марта 2 соатдан дарс янгиликлар киритилади. Марказдан барча зарур дарслик ва ахборотномаларни сотиб олиш мумкин.

**Машғулотлар сентябрь ойидан 1 августгача — 11 ой давом этади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.**

Охириги беш йилликда абитурентларимиз 85-90% ўқинишга қабул қилинади.

Натижалар билан марказда танишиш мумкин. Шунингдек, ушбу илмий ўқув марказида рус, инглиз ва немис тилини ўрганиш курслари ҳам бор.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-мавзео, 14-а уй (9 қаватли бинoning 1-қавати).

Мўлжал: Юнусобод, «Универсам» бекати, Юнусобод дехқон бозори қаршида, «Ўқтамхан» ёнида.

ТЕЛЕФОНЛАР: 8(371) 221-35-56, 221-86-09.

**ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ**

\*\*\*

Аҳмоқ киши ҳиқмат лаззатини билмайди, бағисоли тумовга чалинган одам гулиниг ҳидини сезмаганидек.

\*\*\*

Одамнинг сиртию ботини (ичи) тўғри, саломат ва тузук бўлса, унинг зоҳири (ташқариси) ҳам саҳий ва савим бўлуру.

\*\*\*

Агар тишининг ортиқча сўзлашига эга бўла олмасанг, унда тишининг жиловини шайтонга топирирган бўласан.

\*\*\*

Бу дунё ибратли ишлар-у, панд-насихатларга тўладуру, айни вақтда кўз ёшларига ҳам сероб.

Абул Қосим Маҳмуд аз-ЗАМАХШАРИЙ

Сўнги қийнолгон ёмондур.  
Сўнги қийнолгон ёмон.  
**Эркин Воҳидов**

Собиқ ширкат раиси Бердиёр Келдиёров неча кундирки, ўлим билан олишиб ётибди. Вужуди ўт бўлиб ёнади, аъзои бадани игна санчилгандай ачишади. Шифтга бокиб, ух тортади, ингранади, тўлғонади. Гоҳо кўзига ёш олиб, Яратганга ёлборади:

— Мунча қийнамасанг, э худо! Бундан кўра жонимни олсанг ҳам розиман...

Келдиёровнинг илтижоси етиб бормади ва ё халлоқи олам бу осий бандасини синаб кўрмоқчиси, ҳар қалай, унга ажал фариштаси қайрилиб қарай демасди.

Нозимахон кириб, эрининг бошига ўтирди.

— Тузукмисиз, отаси? Қаерингиз огрияпти?

Келдиёров аранг лабларини қимирлатди:

— Жоним огрияпти, кўнглим огрияпти...

Келдиёров калласини болишга уриб оҳ чекди, тагин тўлғонди, ингранди.

Кунда-кун ора дўхтирлар келиб-кейтиб туришибди. Бироқ уларнинг муолажаси ҳам фойда бермади. Келдиёров кун сайин сўлиб борарди. У бедаво дардга йўлиққанга ўхшарди.

Бир кун ийку дори ичди-ю бир лаҳзага кўзи илинди.

Тушига бошдан-оёқ оппоқ либос кийган, басавлат қария кирди. У бўсагада Келдиёровга қаттиқ тикилиб турарди.

— Шунча йил бадалига сен ўзингни ўйладинг, — деди қария, — ўзганинг дарди билан ишинг бўлмади. Одамлардан астойдил кечирим сўрамасанг, жон азобидан қутулмайсан.

Келдиёров кўзларини очди. Мўйсафид ғойиб бўлган эди.

Нозимахон кирди.

— Уйғондингизми, отаси? Дорингизни берайми?

Келдиёров «йўқ», дегандай бош чайқади. Хотинига ҳозиргина кўрган тушини айтди.

— Сиз Хиёр алайҳиссаломни кўрибсиз, — деди Нозимахон. У ўқимишли аёл эди. — Айтганини қилинг. Зора, дардингиз энгиллашса.

Келдиёров хаёлан ўтган умрига назар солди. Ўттиз йил отдан тушмади. Ўттиз йил катта-кичик бир жамоага раҳбарлик қилди. Ҳа, энди раҳбар бўлгандан кейин бировга қаттиқроқ гапирасан, бировга юмшоқ гапирасан. Лекин... тушидаги қария айтмоқчи, у фақат ўзини ўйладики? Кўл остидагиларнинг дардига дармон бўлмадики? Бировни ноҳақ ранжитдики? Олдига мадад сўраб кирган бир кимсанинг ҳожатини чиқармадики?

Келдиёров одамлар олдидagi қарзини бўйнига олгуси келмасди: «Мен тепадаги катталарнинг топширигини бажардим. Яхшими-ёмонни, идорани тебратиб турдим. Нима гуноҳ қилибманки, ҳаммадан кечирим сўрасам. Ахир, бировга ёмонлик қилмадим-ку?»


Шу он ғойибдан бир нидо келди: «Келдиёров, қўлингдан келган бир муҳтожга яхшилик қилмаслик ёмонлик қилиш билан баробардир. Эсингни йиғ, танангга бир ўйлаб бок, бу дунёга келиб, кимга не муруват кўрғаздинг?»

Келдиёровнинг ичига гўё типратикан кириб олгандек эди. У жим ётса, бемор ҳам бир лаҳза ором олади, қимирласа, жон-жаҳони ўртаниб, ўзини

кўярга жой тополмай қолади. Ҳалиги ғойибона овоз гўё типратиканни туртиб уйғотгандек туюлди. Келдиёровнинг жигар-бағри тагин пичоқ тилгандек ачишга тушди. Оғриқ кучайди. Азобнинг зўридан бемор терлаб кетди, ўзини ҳар ён ташлаб, оҳ чека бошлади. Қўлини аранг чўзиб, кўнгирик туғма-часини босди.

### Саъдулла СИЁЕВ

Бериб эдингиз. Мен



Елиб хотини кирди. Эрининг кўзлари бежо, у тўлғонар, налардир деб хансирарди.

— Отаси, дўхтир қақрайликми ё, нима қилайлик? — деди Нозимахон ваҳима ичиди.

Келдиёров бош чайқади. — Йўқ, йўқ... — деди базўр, — дўхтир керак эмас... Ўғилни Эш...қувватого юборинг. Тез келсин... мен од-одамлардан... узр сўрайман...

— Ҳўп бўлади, отаси, ҳўп.

Не ажабки, «узр сўрайман» дегандан сўнг Келдиёровнинг кўксини тимдалаётган типратикан бир неча сония тўхтагандек бўлди. Бемор бир қафт дорини оғзига солиб, кўзларини юмди.

Бирор соатларда Эшқувватов етиб келди. У Келдиёровнинг идорасида ҳўжалик мудири эди. Узоқ йил бирга ишлашди. Давлат Эшқувватов Келдиёровнинг ҳамтовоғи,

ишонган кишиси эди. У кирганда бемор хийла ўзига келганди.

— Давлатбой, шунча йил бирга қатик ялашдик, — деди инқиллаб Келдиёров. — Мана, энди тўшакка михлиниб қолдим. Беш кунлигим борми-йўқми, худо биллади. Отаимиз раҳматли қазо қилганларидан сиз химмат қилиб, у кишининг йигирмасини ўтказиб

зида ноҳақ гапириб, ранжитган бўлсам, кечирим сўрайман.

— Сиздан гинам йўқ, ҳўжа-йин. Мингдан-минг розиман. Биз ота-боладек ишлашдик. Раҳмат.

Эшқувватовни кузатиб, Келдиёров бироз тин олди. Кейин ходимлар бўлимнинг мудири Холиқуловни чорлатди. Мудир ўтириб, фотиҳа қилиб бўлар-бўлмас, Келдиёров мақсадга ўтди:

— Сизни узр айтгани қақирдим. Бир-икки марта курортга бориб, мени кўриб келдингиз. Анча чқик қилдингиз, қийналдингиз. Сизнинг олдингизда уятлиман. Хизматларингиз учун қуллук, рози бўлинг.

— Э, одамни хижолат қилманг, Бердиёр ака, — деди шўши Холиқулов. — Сизни кўргани борган бўлсам, баҳонада ўзим ҳам дам олдим.

Келдиёров бош томонидан катта совға олиб, чўзди.

— Мана бу сизга. Оз бўлса-да, кўп ўрнида кўрасиз. Олинг!

Холиқулов аччиқ тутунга йўлиққандек, иккала қафти билан ўзини елпиди.

— Кўйинг, одамни уялтирманг. Менга ҳеч қанақа совға керак эмас. Сиз соғайиб, ўрнингиздан туриб кетсангиз бўлди, шу бизга кифоя.

Келдиёров билагидаги тилло соатни ечди.

— Бўлмаса, мана буни олсиз. Энди менга соатнинг кераги йўқ. Мендан эсдалик. Олинг!

Холиқуловнинг кўнгли суст кетди. Тилло соат оловдай қақнаб, кўзни ўйнатиб турарди.

— Манг, олинг, йўқ десангиз, хафа бўламан. Сиздан охириги илтмосим.

Холиқулов «Жуда қизиқ бўлди-да, Бердиёр ака», деб бир лаҳза иккиланиб турди-ю соатга секин кўл чўзди.

Одатдагидек, ўпқасини қўлтиқлаб шофёри Сайрон Жадовик кириб келди. Келдиёров гапнинг индаллосини айтиб кўя қолди.

— Сиздан кўп қарздорман, Сайронбек. Бозор-ўчаримиз бўйнингизда бўлди. Эрта демай, кеч демай, хизматимизни қилдингиз. Раҳмат. Чеккан заҳматларингизга рози бўлинг. Гоҳо жahl устида ёмон гапирган бўлсам, кечириб кўсиз.

— Йўғ-е, ҳўжайин. Сиз отамдек эдингиз. Боласини уришиб-сўқани отанинг ҳаққи бор-да. Кечирим сўраманг, сиздан ёмонлик кўрмадик...

Келдиёров ёстиқ остидан машина калитини чиқариб, Сайроннинг олдига ташлади.

— Бу ўзингиз базадан олиб келган «Жигули»нинг калити. Сизга совға қилдим. Шунча йиллик ҳалол хизматларингиз бадалига. Олинг, мендан эсдалик бўлсин. Олмасангиз, виждоним қийналади, кўзим очик кетади.

Келдиёров ўлаётганга ўхшарди. Сайрон ноилоҳ калитни олди. Собиқ ҳўжайинининг нимжон қўлларини сиқиб кўйдди.

— Ўлманг, ҳўжайин. Худо хоҳласа, ўрнингиздан туриб, отдай бўлиб кетасиз.

— Қайдам?! Буни Оллоҳ биллади.

Келдиёров Холиқуловга айтиб, илгари бирга ишлашган ходимлардан уч-тўрттасини чақиртирди. Улардан узр сўради. Риозлик тилади. Ходимлар Келдиёровнинг куриган оғочдек ҳазон бўлиб бораётганини кўриб туришарди. Уларнинг кўнглидан бу амалдор етказган

озор ҳалиям кетмаган эди. Бироқ азбарои ўзбекчилик, деб Келдиёровнинг узрини қабул қилишди, «Сиздан гинамиз йўқ. Илоё, ўзи шифо берсин», деб чиқиб кетишди.

Тавба-тазарру билан беш-олти кун ўтди. Келдиёров шифтга қараб ўй суриб ётди. Одамлар олдидан унинг яна бир азим гуноҳи бор эди. Бу гуноҳи учун у қайга бориб бош уришини билмай, лол эди, ҳайрон эди. Ҳар сафар қилган қилмиши эси-га тушса, иситмаси чиқиб кетар, ўзини лаънатлашдан ўзга чора тополмасди.

Бу воқеага кўп йиллар бўлди. Бир кун уни дахрийлар идорасига қақиритди.

— Келдиёров, сизга муҳим топшириқ бор, — дейишди. — Фалон туманда одамлар жуда динга берилиб кетибди. Авлиё деб эски бир мазорга сигинар эмиш. Ҳатто балиқларга ҳам авлиё балиқ деб ном қўйиб олишибди. Сиз бориб, ўша мазорни буздириб ташланг. Балиқларни ҳам йўқотинг. Токи меҳнатқаш халқ у ерга қайтиб қадам босмайдиган бўлсин. Тушундингизми?

Келдиёров у пайтлар «Дин халқ учун афъондир» деган кўхна сафсатага ишонар эди. Айтилган туманга етиб борди. Қоратепа деган қишлоқ чеккасида хароброқ бир ҳужра бор экан. Хужра олдидан кекса қайрағоч.

Дарахт шоқларига олақурук латта-путта илинган. Хужра ёнбошидаги мўъжазгина кўлда билақдай келадиган қопқора балиқлар ўйноқлаб юрибди.

Келдиёров бульдозер топтириб, авлиёнинг турбатини буздириб ташлади. Кўлга машина-машина шағал тўқдирди. Қайрағочни таг-туғи билан кесди. Халқ зиёрат қилиб, руҳан таскин топадиган масканин ҳам, одамлар кўнглини ҳам вайрон этиб, изига қайтди.

Яна бир сафар фалон маҳаллада яширинча сумалак пиширилаётган эмиш, деган хабарни эшитди. Шотирларини қабатига олиб етиб борди.

Бикқиллаб қайнаётган хушбўй сумалакка ярим челақ селитра солдириб, бир қозон таломни ҳаром қилди. Болалар чириллаб йиғлади, аёллар қаргади: «Жувонмарг бўл! Илоё, қийналади ўлмасанг, икки дунё рози эмасмиз!»

Келдиёровнинг қулоғи шангиллади, юраги гупиллаб урди. Кўз олдига қақшаб йиғлаётган болалар, ер муштлаб қаргаётган хотин-халажнинг эгик бошлари келди. «Ҳа, менга қарғиш теккан, — деди ичиди. — Ана энди жазомни тортапман».

Келдиёров билади, энди бош эгиб, узр сўрайдиган кимсанинги ўзи йўқ. Энди умид — ёлғиз Оллоҳдан. Бир кун тонг отгунча Яратганга тавалло қилди: «Ў Парвардигори олам, биламан, кечирилмас гуноҳ қилдим. Халқнинг кўзига тупроқ соқдим, иймонига чанг солдим. Мингдан-минг пушаймонман. Жон халқумга келди, омонатингни олгин-у, мени бу азоблардан халос эт, худойим! Тавба қилдим, тавба қилдим, тавба...»

Тонгга яқин кўзи илинди. Эрталаб хотини кирди. Эри қилиб ётганга ўхшарди. Нозимахон «Отаси, дорингизни ичасизми?» деб сўради. Эри индамади. Нозимахон уни бир-икки чайқаб кўрди. Келдиёровнинг калласи шилқ этиб ёнбошига ағдарилди.

У жон таслим қилган эди...



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ...

### ЧАНГИЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Тоғ чангиси бўйича Тошкент вилоятида ўтказилган Ўзбекистон чемпионати якунланди.

Эркаклар ўртасидаги "slalom giant" мусобақасида мамлакатимиз терма жамоаси аъзоси Дмитрий Бабинов олтин медални кўлга киритди. Сафар Эгамбердиев кумуш, Сайфиддин Мусаев эса бронза медал билан тақдирланди.

Чемпионат доирасида турли ёш тоифалари бўйича ҳам мусобақалар ташкил этилди. 1992–1996 йилларда турилган ўсмирлар баҳсида совринли ўринларни Артём Воронов, Аркадий Семёнченко ва Темур Собиров эгал-



лади. 1997–1999 йилларда турилган ўғил болалар ўртасида Комил Тўхтаева тенг келадигани топилмади.

Энг кичик — 1999–2001 йилларда турилган болалар ўртасидаги беллашувларда совринлар Арман Гаюпов, Улан Гоипов ва Темур Кенжабоевга насиб этди.

Хотин-қизлар мусобақасида Ўзбекистон кубоги соҳибаси Ксения Грегорьева энг яхши натижани кайд этди. Гулиза Гаюпова кумуш медални кўлга киритган бўлса, Мадина Расуловага бронза медал топширилди.

1992–1996 йилларда турилган қизлар ўртасида эса шоҳсупанинг энг юқори погонасига Оксана Зуева кўтарилди. 14 ёшгача бўлган спортчилар баҳсида олтин медални Асал Кенжабоева кўлга киритди.

### КЛИЧКО АЛАМИНИ ОЛДИ

Украиналик таниқли боксчи Виталий Кличко Германиянинг Мюнхен шаҳрида WBC йўналиши бўйича чемпионлик камарини ҳимоя қилди.

У 12 раундлик жангда англиялик рақиби Дерек Чисорни очколар ҳисобида мағлубиятга учратди. Мутахассисларнинг фикрича, жанг 40 ёшли Виталийга осон бўлгани йўқ. Рақиб унга жиддий қаршилик кўрсатди.

Чунки асли зимбабвелик, ҳозир эса Англияда яшаётган Чисор 28 ёшли Дерек



шу пайтгача 17 марта рингга чиққан бўлса, ҳали бирор марта мағлубиятга учрамаган. У Виталийни 8-раундгача нокаутга учратишни ваъда берган эди.

Дерек жангдан кўра, матбуот анжуманида «хунар» кўрсатиб, Кличконинг юзига мушт туширган эди ва бу хатти-ҳаракати билан бокс мухлисларининг иштиёқини сўндирди.

Умуман олганда ака-ука Кличколар англиялик боксчилар учун ноқулай рақиб бўлиб келмоқда.

Интернет материаллари асосида  
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

### МУҲАББАТИМ УВОЛ БЎЛДИ...

Ойсанамни мактабда битирув кечмида кўриб, севиб қолгандим. У синфдошим Улуғбекнинг синглиси эди. Мен оилада ёлғиз фарзандлигим учун отам қазо қилгач, онамга суячн бўлдим. Муҳаббатимдан хабар топган онам хурсанд бўлиш ўрнига ташвишланиб қолди. Бир куни: "Ўғлим, кўзимнинг оқу қорасисан, биламан, кўнгилга буйруқ бериб бўлмайди. Мени-ку қўявер, лекин севган қизининг ота-онаси сени назарписанд қилармикан? Билишимча, улар жуда бадавлат хонадон ахллари-дан экан", деди. Кўп норозиликларга қарши бориб, Улуғбекнинг одамгарчилиги туфайли севганимга эришдим. Тўйимиз бўлди. Дастлаб бахтли ашадик. Ўғлимиз туғилди. Бари шундан сўнг бошланди. Онамни ёлғизла-тиб қўйишди. Хотиним ҳам онасининг сўзига кириб, мени алоҳида яшашга кўндирмоққа жон-жаҳди билан уринди. Рози бўлмагандим, фарзандимнинг онаси, бир ёстиққа бош қўйган аёлим мендан юз ўғирди ва онаси билан хорижга жўнаб кетди. Қонуний ажрашдик.

Шундан бери онам неварасини, мен эса ўғлимни соғиниб яшаб келаямиз. Мана, шунга ҳам 13 йил бўлди. Энди уйланишга қарор қилдим. **Ёшим 41 да.** Маълумотим олий. Нуфузли ташкилотда хизмат қиламан. Уй-жойим етарли. 35 ёшгача бўлган, инсоний фазилатларни қадрлайдиган, мустақкам оила қуришни истайдиган, покиза, оққўнги аёл учраса, уйланмоқчиман.

**ШУХРАТ,  
Новоий вилоти.**

### КЕЛИНИМИЗНИНГ ФЕЪЛИ ЎЗГАРМАДИ

Ўғлим Икром курсдоши Нилуфарни севиб қолиб, сўраб-суриштиришимизга ҳам имкон бермай, "Шундан бошқасига уйланмайман", деб оёқ тираб олганди. Ёлғиз фарзандимиз, оруз-ҳавас билан унга атаб дангиллама уй-жой кургандик. Тўйларини ҳам рисоладагидек ўтказдик. Дастлабки ойларда сезмадик, бинойидекки келин бўлди. Лекин орадан кўп ўтмасдан қилиги чиқа бошлади. Тили ўткиргина экан. Ёш-да, деб кечиримли бўлдим. Ўзига инсоф бермаса, қийин экан. Отаси иккимиз маслаҳатлашиб,

Ўғлимизни алоҳида яшашга кўндирдик. Келинимиз мустақил оила бўлса, тинчгина яшаб кетса керак, деб умид қилгандик. Қайда, қайсар келин фарзандли бўлгач ҳам, билганидан қолмади. Икром асабийлашганиданми, йўқ жойдан дардга чалиниб, касалхонага тушиб қолди. Ўғлимни кўргани бориб, келин ва неварамдан ҳам хабар олай дедим. Уйларига борсам, неварам чирқираб йиғлаб ётибди. "Қўлингизга олиб қарасангиз



Бахтли бўлинг!

бўлмайди", десам, "Қўяверинг, йиғлаб-йиғлаб катта бўлади", деб парво ҳам қилмади. Уйга қараб бўлмас, ҳамма нарса тартибсиз қалашиб ётарди. Олий маълумотли, нуфузли ташкилотда хизмат қиладиган ўғлимнинг тақдирига ачиниб, бир аҳволда ортимга қайтдим. Отасига "Бу келинингиз ўзгармайди-ёв", дедим. Улар "Икром бир куни биздан домангир бўлмасин", деганча ух тортди. Гулдай неварамизни тирик етим бўлмасин дедик. Ўғлимизнинг сабри туғаб, охири улар ажрашди.

Оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади, деганларидек, энди бор умидим сизлардан. Икромнинг ёши 38 да. Бўйи басти келишган, оғир вазмин. 35 ёшгача бўлган хушмуомала, ақл-хушли, хушрўйгина, олий маълумотли қиз учраса, келин қилардим.

**МАКСУДА хола,  
Тошкент шаҳри.**

**АНВАР,  
Тошкент шаҳри.**

### ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

### Табиат — дорихона

## ТОҒ РАЙҲОНИ

Тоғ райҳонининг айна гулга кирган пайтада териб, қурийтиб олингани ниҳоятда фойдали (дорихоналарда сотилади). Унинг шифобахшлиги қадимдан маълум. Халқ таъбатида тоғ райҳонидан тайёрланган қайнатма, дамлама аллергия, гипертония, уйқусизлик, ангина, бош оғриги, қабзиятда, иштаҳани очишда, кекиришни даф қилишда қўлланилади.

**Аллергия, гипертонияда:** 2 чой қошиқ майдаланган тоғ райҳони устига бир стакан ланади. Сўнг сузгичнишдан 15 дақиқа ди.

**Уйқусизликда:** устига ярим стакан давомида дамланади. қуга ётишдан олдин лади.

**Ангинада:** ёрланиб, илиқ ҳоли-ра қилиб чайиб ту-

**Бош оғриган-** ламага докани нам-лади.

**Қабзиятда:** бир ош устига 150 грамм ўсимлик вомида тиндирилади. Ов-5 томчидан ичилади.

Тоғ райҳони анжир мол қилинса, нафас шифо бўлади. Куритил-бирга ейилса, терлатади, ранг-рўйни очиб, хушрўй қилади. Ҳомиладор аёлга тоғ райҳони қайнатмаса ва дамламасини ичиш тавсия этилмайди.



бир чой қошиқ тоғ райҳони қайноқ сув қуйиб, 20 дақиқа Кейин сузгичдан ўтказиб, уй-илиқлигида ёки совигач ичи-

юқоридагидек дамлама тай-да томоқни тез-тез гарға-рилади.

**да:** худди шундай дам-лаб, пешонага қўйи-

қошиқ тоғ райҳони ёғи қуйиб 8 соат да-қатланишдан олдин суви билан истеъ-қисини ва йўталга ган анжир билан

Муҳайё АБДУЖАББОРОВА,  
доришунос.

### Уй бекаларига

Сўлиб қолган кўк пиёз, кашнич, шивит ва ҳока-золарни сиркалаи сувга ботириб қўйсангиз, "ти-рилиб" кетади.

Редискани дастурхонга тортишдан олдин 20 дақиқа сувга солиб қўйинг.

Қизиб турган сирли идишга совуқ сув ва ёғ қўйиб бўлмайди. Сир қўчиб кетади.

Шўр бўлиб кетган овқатга 2-3 та хом кар-тошка соласангиз, шўрини ўзига тортиб олади.

Пичоқни бир оз сувлаб пиёз тўғрасангиз, қўзин-гизни ачитмайди.

Ортиб қолган ош, шовла каби қовурилган та-омларни иситиб ёйиладиган бўлса, бир бош пиёз-ни майдалаб тўғраб қўшинг. Бу овқатни асл ҳола-тига келтиради.

Иситиладиган ошнинг гуручи эзилиб кетмас-лиги учун қозонга озгина қора чой қўйиб юборинг.

Сабзавотларни бугда димлаб пиширсангиз, витаминлар ва керакли моддалар яхши сақланиб қолади.

Серка КАТТАЕВ  
тайёрлади.

# ДУО ОЛИНГ, ҚАРФИШ ЭМАС

Она бу дунёда ҳаммамиз учун энг азиз ва муҳтарам зотдир. Чунки у бизга ҳаёт берган. Ватан каби онани ҳам танлаб бўлмайди, шундайлигича қабул қилинади. Унинг берган дуоси, оқ фотиҳасию рози-ризолиги фарзандлар учун энг улуғ бахт. Аммо баъзида қарғишини ҳам эшитиб қоламизки, бундан юрак эзилади. Минг бора узр, шу мўйсафид эшинда турли мулоҳазаларга бориб, ўз кўнгил кечинмаларимни сиз азиялар билан бўлишмоқ учун қўлимга қалам олдим.

Онани кўринмас ришталар умрининг охириги лаҳзасигача болалари билан боғлаб туради. Шу боис у фарзандлари тақдирига дахлдор. Фақат турмуш қуришда эмас, балки ҳаётдаги ҳар бир муҳим қадамни ташлашдан — бошқа ишга ўтиш, тижоратни бошлаш, уй сотиб олиш ёки алмаштириш, машина харид қилишдан аввал ҳам она ризиолигини сўраш лозим. Бунда катта маъно бор: она ўз дуоси билан фарзанднинг атрофида шундай ҳимоя қобиғи яратадики, ҳар хил тасодиф ва кўнгилсиз воқеалардан асрайди. Шундай экан, бола ташаббус кўрсатиб, қўл урмоқчи бўлган ишга розилик бериш лозим. Бунга ҳаётда тажрибадан кўп кузатдим. Акс ҳолда, фарзанднингизнинг боши омадсизлик, муваффақиятсизликдан чиқмай қолиши ҳеч гап эмас. Уни танлаган йўлидан қайтармасдан, ўзига ишончини сўндирмай, мақсадига эришишни тилаб, фотиҳа бериш зарур. Токи боланинг шашти синмасин, боқиманда эмас, ташаббускор бўлиб улғайсин!

Онанинг меҳри ва илтижоси мўъжизалар яратади, деганлари рост. Кўп йиллар аввал бир машҳур шоирнинг она ҳақида ёзган шеърини ўқигандим. Мазмун шундай: онаизор ўлим тўша-гида ётган ўғлининг ёнидан 20 куну 20



тун жил-майди, мижжа қоқмай илтижо қилиб ўтиради. Йигирма биринчи кунни ҳолдан толиб, ярим дақиқага кўзи илинади, холос. Шу лаҳза кифоя қилиб, боланинг юраги уришдан тўхтайдими...

Кўрпясизми, онаизор минг дуою илтижолар билан ажални мумкин қадар қайтариб турган. Ўғлининг эса онасига раҳми келиб, уни уйғотиб юбормаслик учун «дук-дук» ураётган юрагини тўхта-



## Нима дейсиз?

тиб қўйган.

Волиданинг сидқидилдан қилган дуои фотиҳасию вожиб экан, аччиқланганда оғзидан чиқади «Сабил қолгур», «Балога йўлиққур», «Афтинг курсин» кабилидаги қарғишларини ҳам шунчаки беозор, бегараз койиш деб бўлмайди. Айрим аёлларимиз ўйламай, онгсиз равишда айтган қарғишлар эшитган қулоққа ёқмайди, кишини ваҳимга солади. Наҳотки, ўзи тўққан боласини шундай ёмон сўзлар билан қарғаса?

Эсимда, ўтган асрнинг 40-йиллари охирида ўиз болалар кўча чангитиб, футбол бўлаб юганимизда, сиғири бор мақтанчоқ қўшни аёл ўз ўғлини қақириб: «Салоҳиддин, йигит ўлгур, кел, нон билан қаймоғингни еб кет!» деб қичқиради. Бу қандай гамхўрлик, ўзи?! Яна бир кўнглида ҳеч қанча кири йўқ аёл ўғли гапига қулоқ солмас, қулиб туриб: «Бўйининг узилгур» дерди. Баъзи зиёли кишилар «Оғзиндан қонинг келгур», «Заҳар заққумни егур» каби қарғишларни эшитиб қолишса, «Тилингизга эҳтиёт бўлинг!» дея танбех беришарди.

Мана, Яратганга минг қатла шўқри, олти мучалдан ортиқ умр кўриб, «заҳар заққум» нималигини билмадим. Муқаддас китобимиз истиклол шарофати туфайли ўзбек тилига таржима қилинган, ўқиб кўрсам, у дўзахда ўсадиган дарахт номи экан.

Она тўққиз ой бағрида кўтариб юриб, туну кун ором нима билмай катта қилган фарзандини онгсиз равишда қарғаганда... Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин деркан. «Аввал ўйла, кейин сўйла!», «Уйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир!» дейди доно халқимиз.

Эркин ИБРОҲИМОВ,  
Тошкент шаҳри.



## Савол-жавоб

### ИПОТЕКА ШАРТНОМАСИ НИМА?

Ипотека тўғрисидаги шартномани нотариал тасдиқлаш ҳақида маълумот берсангиз.

Н.Жуманиёзова,  
Кибрай тумани.

Табиийки, мазкур шартномани нотариал тасдиқлаш истаган ҳудудда амалга оширилиши мумкинми, деган савол кўпчиликни қизиқтиради. Албатта мумкин, лекин қандай ҳолатда? «Нотариал тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига кўра кўчмас мулк гарови тўғрисидаги битим, яъни ипотека шартномаси ипотекага қўйлаётган кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилингандагина нотариал тартибда тасдиқланади. Қолаверса, ушбу ҳужжатларни тасдиқлаётган нотариус қонуннинг 44-моддасига биноан мулкнинг ипотекага қўйлаётган шахсга тегишли эканлиги ҳамда уни беғоналаштиришга таъқиқ бор-йўқлигини текшириши шарт.

Яна бир муҳим жиҳати, нотариал ҳаракатларни амалга ошираётган нотариус тақдим этилган битимнинг мазмун-моҳиятини тарафларга батафсил тушунтириши, шартнома уларнинг истак-хоҳиши асосида тузилаётгани ва буларнинг қонунга зид эмаслигини текшириши, жисмоний шахслар ва корхоналар ушбу нотариал ҳаракатларнинг оқибатлари ҳақида огоҳлантиришлари лозимлигини изоҳлаши талаб этилади.

Ҳабибулло ПҮЛАТОВ,  
Тошкент вилояти Зағиота туманидаги  
6-сонли ДНИ нотариуси.



### ШОҲДОР БУҒУ АВЛОДИДАН

Америка Қўшма Штатларида туғилган бир қўйнинг қутилмаганда шохлари ўсиб кета бошлади. У икки ёшга етганда нақд бир метрга яқин бурама шохи бор эди. Қўйнинг шохлари нотабиий равишда ўсиб кетаётганидан ажабланган мутахассислар уни текшириб қўрдилар ва шохдор қўй бугулар наслига аниқланди. Ўзи қўй бўла туриб, шохдор бугулар наслидан бўлиши фан учун қутилмаган ҳолат. Қўйнинг йилдан-йилга ўсиб бораётган шохини бемалол яшашига ҳалақит бера бошлади. Вақт ўтиб, у бошини кўтариб юролмайдиган ҳолатга келди. Рухонийлар, Табиатни муҳофаза қилиш жамияти тадқиқотларини тўхтатиб, қўйнинг шохини қирқиб, бошқа қўйлар каби умр кечиришига имкон беришларини талаб қилиб чиқди. Олимплар уларнинг тақлифлари ва талабларини кўриб чиққанларидан сўнг қўйнинг шохини қирқишга қарор қилишди.



### ҚЎЙСИФАТ ҚҮЁН

Генетик олимлар тажрибаси йўлида не-не жониворлар қурбон бўлишмаган дейсиз. Бундай «тақдир»га маҳкум қўёнлардан бири ўзининг ниҳоятда катта қулоқлари билан ажралиб туради. Ушбу турдаги қўёнлар нафақат гилай, балки бутунлай кўр



бўлиб қолиши ҳам мумкин экан. Бирок, танаси кенг, гўштдор, баъзилари қўйдек келади. Дарҳақиқат, қўёнларнинг бундай тури «Қўй наслидаги қўён» деб аталади. Вазни ўртача 5 кг, айримлари 7-8 дан 10 килограммга тош босади. Гўшти сифатли, ҳам тўйимли, ҳам парҳезбон. Бемалол гўшт маҳсулотлари сифатида озиқ-овқат расталаридан ўрин олиши мумкин. Бундай қўёнлар одатда гиларидан фарқли ўлароқ, 5-6 тагача болалади. «Қўй наслидаги қўён»нинг териси ҳам каттагина ҳажмда, жунари қуюқ ва юмшоқ, майин толали ва турли рангларда товланади.

Наргиза СИДДИҚОВА  
тайёрлади.

### ИЖАРАГА ҚЎЙМОҚЧИ ЭДИМ...

Бўш турган квартирамизга қонуний тартибда ижарачи қўйиш учун қандай ҳужжатлар керак?  
Г. Маҳкамов

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан Фуқаролик кодексининг 574, 603-моддаларига ва Уй-жой кодексининг 86-моддасига киритилган қўшимчаларга асосан «Фуқаролар ўртасида тузилган уй-жойни, бино ёки иншоотни ёхуд унинг бир қисmini ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак». Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексининг 159-моддасига қўшимча киритилиб, унга кўра, мазкур шартномани мажбурий нотариал тасдиқланишига риоя қилмаслик энг кам ҳақнинг беш баробаридан ўн баробаригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.


Ижара шартномасини расмийлаштириш учун биноиншоот ёки тураржойнинг кадастр ҳужжати, кадастр, оилавий рўйхат маълумотномаси (уй-жой ва квартира учун), коммунал тўловлар учун қарздорлик йўқлиги ҳақида маълумотнома, эр-хотин албатта паспорт билан келиши шарт. Ижара берувчи ва олувчининг паспорт ва солиқ инспекциясидан СТИР, бундан ташқари нотариус томонидан кўчмас мулк ҳужжатига қараб қўшимча ҳужжат ва маълумотномалар ҳам талаб этилиши мумкин.

Саволга Бўстонлиқ тумани 1-сон ДНИ  
нотариуси Зэмзэгүл ДҮЙСЕНОВА  
жавоб берди.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оқилларини қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жангармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жангармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 15:00  
Босишга топширилди - 15:00



Бosh муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ  
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ  
Мусаҳҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,  
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга  
олинган. Бюролма Г — 228. Формати А-3,  
ҳажми 2 табоқ. Адади — 11226. Баҳоси кели-  
шилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20  
Котибият: 234-76-08  
Мухбирлар: 233-04-50  
«Ойла» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 4 5

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz